

ВАЗОРАТИ МАОРИФ ВА ИЛМИ ҶУМҲУРИИ ТОҶИКИСТОН

**ДОНИШКАДАИ ОМУЌЗОРИИ ТОҶИКИСТОН
ДАР ШАҲРИ ПАНҶАКЕНТ**

МАХЗАНИ ИЛМ/ПАЁМИ ДОНИШКАДА, 2021, № 2.

МАВОДИ

он-лайн ва офф-лайн анҷумани илмӣ-амалии байналмилалии апрелӣ дар мавзӯи “Масоили мубрами улуми иҷтимоӣ-гуманитарӣ, риёзӣ ва дақиқ дар замони муосир”, 26 апрели соли 2021 дар Донишкадаи омӯзгории Тоҷикистон дар шаҳри Панҷакент

СОКРОВИШНИЦА НАУКИ/ВЕСТНИК ИНСТИТУТА, 2021, № 2.

МАТЕРИАЛЫ

научно-практической международной апрельской он-лайн и офф-лайн конференции, на тему «Актуальные проблемы общественно-гуманитарных, точных и естественных наук в современную эпоху», 26 апреля 2021 года в Таджикском педагогическом институте в городе Пенджикент

TREASURY OF SCIENCE/BULLETIN OF THE INSTITUTE, 2021, No. 2.

MATERIALS

of the scientific and practical international April online and off-line conference, on the topic "Actual problems of social and humanitarian, exact and natural sciences in the modern era", April 26, 2021 at the Tajik Pedagogical Institute in the city of Penjikent.

Панҷакент – 2021

ВАЗОРАТИ МАОРИФ ВА ИЛМИ ҶУМҲУРИИ ТОҶИКИСТОН

**ДОНИШКАДАИ ОМУЌЗГОРИИ ТОҶИКИСТОН
ДАР ШАҲРИ ПАНҶАКЕНТ**

МАХЗАНИ ИЛМ/ПАЁМИ ДОНИШКАДА, 2021, № 2.

МАВОДИ

он-лайн ва офф-лайн анҷумани илмӣ-амалии байналмилалии апрелӣ дар мавзӯи “Масоили мубрами улуми иҷтимоӣ-гуманитарӣ, риёзӣ ва дақиқ дар замони муосир”, 26 апрели соли 2021 дар Донишкадаи омӯзгории Тоҷикистон дар шаҳри Панҷакент

СОКРОВИШНИЦА НАУКИ/ВЕСТНИК ИНСТИТУТА, 2021, № 2.

МАТЕРИАЛЫ

научно-практической международной апрельской он-лайн и офф-лайн конференции, на тему «Актуальные проблемы общественно-гуманитарных, точных и естественных наук в современную эпоху», 26 апреля 2021 года в Таджикском педагогическом институте в городе Пенджикент

TREASURY OF SCIENCE/BULLETIN OF THE INSTITUTE, 2021, No. 2.

MATERIALS

of the scientific and practical international April online and off-line conference, on the topic "Actual problems of social and humanitarian, exact and natural sciences in the modern era", April 26, 2021 at the Tajik Pedagogical Institute in the city of Penjikent.

Панҷакент - 2021

БУХОРОДА СУҒОРИЛИШ ТИЗИМИ ВА АНЪАНАВИЙ АГРОТЕХНИКА

Н.Ф.Ситняковскийнинг ёзишича, 1899 йилда Зарафшон дарёсининг ўнг томонидан 32 та ариқ сув олган бўлса, сўл томонидан 20 та ариқ сув олган¹. Таъдйиётчи В.И.Масальский маълумотлари бўйича, 1892 йилда Зарафшон дарёсининг ўнг томонида 25 та , сўл томонида эса 18 та ариқ бўлганлиги қайд этилади². Агар 1892-1899 йилларда Зарафшон дарёсидан 9 та янги ариқ чиқарилгани ҳисобга олинса, гўёки амирликда суғориш тизими, йилдан –йилга яхшиланиб борилгандай кўзга ташланади. Аслидачи, бу даврда ҳам Бухоро амирлиги аҳолиси кам сувлик ва сувсизликдан қийналиб яшарди.

Ишга туширилган янги ирригация иншоотлари асосан Зарафшон дарёсининг русларга қарашли ҳудудларда, Туркистон ўлкасининг Самарқанд вилояти ҳудудларида бунёд этилган эди. Негаки, бу ҳудудлар Бухоро амири билан тузилган шартномага асосан, мустамлакачилар қўлига ўтиб кетган эди. Зарафшон дарёси умумий сув сарфи 803 млн. куб сажен (рафоқ –Ю.Х.)ни ташкил этса, Бухоронинг улуши 230 млн куб саженни ташкил этган. Зарафшон дарёси сувини тақсимлаш билан мустамлакачиларнинг Самарқанд области маъмурияти шуғуллангани боис, Бухоро музофотига етарлича сув тақсимланмаган. Мустамлакачи маъмурият вакилларида бирининг гувоҳлик беришича, XIX асрнинг 80 йиллари бошида, 15-20 кунлаб Бухоро шаҳри ҳудудидаги боғларни ва шахсан амир Музаффарга қарашли боғларни суғориш учун сув берилмаган³.

Бухоро амирлигида сув танқислиги ҳақида уз вақтида Мирзо Олим Маҳдум хожи ўзининг “Тарихи Туркистон” китобида қуйидаги маълумотларни келтиргани ҳам бежиз эмас: “Бухоронинг суви оз бўлиб, Зарафшон дарёсидан келтурмак ва бир неча наҳрлар қоздурулса ҳам, аксар ёз фаслида кифоя қилмайду”⁴.

Ўз-ўзидан аёнки, бу ҳолат мустамлакачиликнинг барча даврларида ҳам етаверади. Бухоро амирлигида сув тақсимоти муаммолари, сув танқислиги, айрим йилларда, умуман сувнинг бўлмаётгани қолиши тўғрисидаги маълумотлар яна кўп манбаларда қайд этилади. Бухоро воҳасининг суғориш тарихини моҳирлик билан тадқиқ этган, заҳматқаш олим, Бухоро тарихининг етук билимдини А.Р.Муҳаммаджоновнинг таъкидлашича, Зарафшон дарёсининг Самарқанд ва Бухоро воҳалари учун белгиланган сув миқдори 42 равоққа тенг деб олинган. Бу миқдор Бухоро воҳалари учун, аввало тўла етиб келмаган ва воҳанинг сувга еҳтиёжини тўла қондира олмаган. Бунинг устига амирлик маъмурларининг ўзбошимчалиги ҳам масалага салбий таъсир кўрсатган.

Бухоро амири Музаффархон отасининг ҳукмронлиги даврида Карманага волий эди. У Кармана ва унинг атрофларини обод қилиш учун Зарафшон дарёсини Қалъаи Бус тарафига оқизади, яъни канал-арик қаздиради. Тўғри, бу ҳаракати билан Қалъаи Бус ва унинг атрофларида обод ва маъмур қилади. Лекин бунинг оқибатида Қорақўл заминларида сув танқислиги келиб чиқади ва кўп зиёратгоҳлар, дехқончилик масканлари хароб ҳолга келиб қолади⁵. Бундай ҳолатларда дехқончилик воҳаларида

¹ Н.Ф.Ситняковский. Заметки о бухарской части долины Зарафшана. СПб, 1899. Том-1., -С.135.

² В.И.Масальский. “Хлопковой дело в Средней Азии (Туркестан, Закасп.обл. Бухары и Хива) и его будущее. СПб,1982.,-С.145.

³ ЎЗ.Р.МДА, 1-ҳужжат, 290-иш,43-варақ.

⁴ Мирзо Олим маҳдум хожи. Тарихи Туркистон. Т.2008. 191-бет

⁵ Мирзо Олим маҳдум хожи. Тарихи Туркистон. Т.2008. 189-бет

аҳвол янада оғирлашган. XIX асрнинг 70 йилларида Самарқандда хизмат қилган подшо ҳукуматининг ирригатори З.Жижемский шундай деб ёзган эди: “Қорақўл, Шохруд ва Вобкент воҳасида ишлатилган сувдан ёки тасодифий сувдан фойдаланишга мажбур эди”.

Бухоро амирлигидаги мавжуд кўприк ва тўғонларни, канал ва ариқларни тозалаш, таъмирлаш учун вақти-вақти билан ҳашар ўтказилиб турар эди. Ушбу ишга қатнашмаганлар жарима тўлашган. Бу жарима “Боқи пули” деб аталиб, давлат хазинасига юбориларди. Аммо кўпинча ушбу маблағ йўлда йўқолиб қолар эди, яъни талон-тарож қилинар эди. Бу соҳада амалдорларнинг суистеъмолчилиги юқори даражада бўлган. Масалан, Иноятулло Хўжа раиснинг амирга юборган маълумотида қайд этилишича, Қорақўл туманидаги амлокдорнинг оғайниси бўлган Ҳамза Хўжа туманидан Хайрабод ариғи учун ўтказилган ҳашарда қатнашмаганлари учун аҳолидан тўпланган 2000 танга “боқи пули” давлат хазинасига топширилмаган¹.

Амударё сувини Бухорога олиб келиш, Зарафшоннинг куйи қисмидаги ерларни суғоришда ундан фойдаланиш борасидаги ўз даврининг қомусий олими, маърифатпарвар Аҳмад Дониш илгари сурган режалар, 1872 йилда Самарқанд ва Бухоро вакиллари иштирокида тузилган Бухоро ва Самарқанд сув тақсимооти комиссиялари, Самарқанд ирригация бўлимининг бошқарувчиси З.Жижемский лойиҳаси ва бошқа лойиҳа –таклифлар маблағ етишмаслиги ва бошқа баҳоналарни рўқач қилиб бажармай қолаверди.

Мавжуд қийинчиликларга қарамасдан Бухоро амирлиги аҳолиси ва миришкор деҳқонлари қадимий деҳқончилик анъаналарини қўллаган ҳолда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ва улардан еҳтиёжлари даражасида ҳосил олиш ва обод боғроғлар яратишда омилкорликларини кўрсатдилар.

Ўрта Осиё жанубий минтақа аҳолиси хўжалик фаолиятива анъанавий машғулотлари қадимий тарихий тажрибаларга эга бўлиб, ўзига хос жиҳатлари билан ажралиб туради. Воҳа аҳолисининг йилликлар давомида авлод-аждодлардан қолган анъаналарни сақлаб, такомиллаштириб, авлоддан-авлодга етказиб келган қадимий ўтроқ маданиятга эга бўлган халқлардан бири саналади. Воҳа аҳолисининг деҳқончилик соҳасидаги тажрибаси, хўжалик юритиш тизимиўзининг анъанавий турмуш тарзига эга бўлиб, суғориш тизими, экин навлари, деҳқончилик меҳнат қуроллари мунтазам тарзда такомиллашиб борган. Айниқса, чорвачилик соҳасидаги аҳолининг анъанавий машғулотлари туфайли чорва насли яхшиланиб, чорва маҳсулотлариичкива ташқи бозорни маҳсулот билан таъминлаш бўйича катта тажрибага эга бўлган. Қорақўл маҳсулотлари Бухоро амирлигининг асосий фойда кўрувчи, хазинани бойитувчи тури ҳисобланган. Ўрта Осиё жанубий минтақа тайёрланган хунармандчилик маҳсулотларичет элларда машҳур бўлиб, Бухоро амирлиги томонидан алоҳида назоратга олинган.Шунингдек, чорвачилик ҳам минтақа аҳолиси хўжалик фаолиятининг асосий ва энг қадимий турларидан бири. Бошқа ҳудудлар аҳолисининг чорвачилиги билан кўпгина ўхшаш жиҳатлари бўлса-да, Жанубий Ўзбекистонда этник гуруҳларнинг ҳар бирида уй ҳайвонларини боқишда ўзига хос усулларива жиҳатлари бўлиши табиий. Шу билан биргаликда, ҳатто бир элат истиқомат қиладиган ҳудудда ҳам чорвачилик хўжалигини юритишдаги табиий-географик шароитлар туфайли, кўшни халқларнинг таъсири ёкиижтимоий-иқтисодий сабаблар натижасида хилма-хил усуллардан фойдаланганликларини кузатишимиз мумкин.

Ўтроқ зироатчилик билан шуғулланувчи ўзбекларда чорвачилик унча ривожланмаган, чунки суғорма ер танқислигидан ҳашак етмаган. Маҳаллий деҳқонлар оз сонли сигир, эчки ва қўйни сут-қатиқ ва гўшт учун, от ва эшакниминиш ва юк ташиш учун парвариш қилганлар. От-арава ва хўкизлар кўпроқ бой-бақувват оилаларда

¹ Б.Мирзакулов. Қорақўл тарих силсиласида(монография) Т., “Чашма Принт” 2014. Б. 145-146.

бўлган. Ўтроқ аҳолиўз молларивакўйларини жамоа бўлиб, махсус ёлланган чўпонларга боқтирганлар ва оғилхоналарда сақлаб боққанлар.

Жанубий Ўзбекистондаги экстенсив хўжалик шароитида чорвачиликка эътибор катта бўлган ва узоқ давр тўпланган амалий тажрибага таянган ҳолда авлодданавлодга етиб келган. Қўйчилик асосан сотишга мўлжалланган. Сҳорвачиликда айникса қоракўлчиликка катта эътибор берилган. Қоркўл қўйлари асосан текисликлардаги яйловларда боқилган. Кузга яқин ҳосил йиғилгандан кейин подалар яйловлардан қайтарилиб, қишлоқдаги махсус ажратилган қўтонларда сақланган. Улар қишлоқ атрофидаги далаларда боқилиб, кечалари қўтонларда тўпланган. Кейингибаҳорда қўй-қўзилар яна яйловларга чиқарилган. Қоракўлчилик ривожланган дашт раёнларда қоракўл терилари бозорга чиқарилган. Қоракўл териларини илгаримахсус савдогарлар ўз вакиллари орқали териб олганлар, барра гўшти шаҳар бозорларига чиқарилган¹. Қўйларнинг думбали ҳисори наслари айникса Жанубий Ўзбекистонда кўпроқ бўлган. Улар кўпроқ тоғли яйловларда кузнинг ўрталаригача боқилган, кейин водийга ҳайдаб келтирилиб, кузги жуни қирқиб ва қочириб бўлгунча қишлоқ атрофидаги ўтлоқларда ва оғилхоналарда боқилган. Қўй жуни ҳам бозорга чиқарилган. Ундан айрим хўжаликларда кигиз, палас, гилам, қоп ва хуржун ишлаб чиқарилган ва қисман савдо қилинган. қўй терисидан пўстин ва телпак, шунингдек, тўшама, меш, саноч ва бошқа уй-рўзғор буюмлари ясалган.

Файзуллоева Нодирахон Абдурахмоновна,

муаллимаи калони кафедраи тичорат ва ҳуқуқи Донишқадаи иқтисод ва савдои
Донишгоҳи давлатии тичорати Тоҷикистон дар ш.Хучанд

БАЪЗЕ АЗ ХУСУСИЯТҲОИ ВАҚТИ ҚОРЌ НИСБАТИ ЗАНОН ТИБҚИ ҚОНУНГУЗОРИИ ҚУМХУРИИ ТОҶИКИСТОН

Дар доираи қонунгузорию Қумхурии Тоҷикистон меҳнати занон ва дигар шахсони ўҳдадорихою оилави дошта дар сатҳи Конституцияи Қумхурии Тоҷикистон ҳифз карда шудааст.

Ҳоло дар Тоҷикистон маҷмуи санадхою ҳуқуқие (баъд аз Конституцияи Қумхурии Тоҷикистон) амал мекунад, ки бевосита чиҳати ҳимояи ҳуқуқхою занон ва ё баланд бардоштани нақши онҳо дар қома равона шудаанд. Ба қатори онҳо Кодекси меҳнати Қумхурии Тоҷикистон ҳамчун сарчашмаи асосии танзимкунандаи меҳнати занон дар Қумхурии Тоҷикистон мебошад.

Тибқи моддаи 35 Конституцияи Қумхурии Тоҷикистон ҳар кас ҳуқуқ ба меҳнат, интиҳоби озодонаи касбу қор, ҳифзи меҳнат ва ҳимояи иҷтимои ҳангоми бекорӣ, ҳуқуқ ба музд ба андозаи на каматр аз ҳадди ақали музди меҳнат дорад [1].

Ҳангоми бастании шартномаи меҳнати манфиатхою қорфармо ва шахсе, ки шартномаи меҳнатиро бастан меҳоҳад, бояд ба пуррагӣ мувофиқа карда шуда бошанд. Ҳамин тавр, дар марҳилаи муносибатхою меҳнати қонунгузори қаролатхою муҳимро барои занхою қомиладор ва занхою қўдақони то 1,5 сола дошта муқаррар мекунад, ки дар манъи қатъи шартномаи меҳнат бинобар бо қомиладори ва доштани қўдақони то синни 1,5 солагӣ ифода мегардад.

Аз рӯи қоида, занони қомиладор ба қоидахою умумии вақти қориро танзимкунанда тобеъ мебошанд.

¹ Б.Мирзақулов. Қоракўл тарих силсиласида(монография) Т., “Чашма Принт” 2014. Б. 147

144.	Турдиев Турдї Муллоъонович, Шарипова Саноат Восидовна	МАНБАЮ ОҚИБАТҲОИ ИФЛОСШАВИИ ҲАВОИ АТМОСФЕРҲИ ВА РОҲҲОИ ПЕШГИРИИ ОНҲО, (дар мисоли Тоҷикистони Шимолӣ)	553
145.	Умаров У. А.	СИКЛИ ТАШКИЛИИ РУШДИ ФАЪОЛИЯТИ СОҲИБКОРҲИ	555
146.	Умарова Заррина Шомухторовна, Охунова Санам Абдуразоқовна, Атахонова Фарзона Алишеровна	АСОСҲОИ ТАДБИҚИ МУНОСИБАТИ САЛОҲИАТНОҚИ ДАР ТАЪЛИМИ ЭКОЛОГИЯИ МАКТАБҲИ	557
147.	Умаров Б.	БУХОРОДА СУҒОРИЛИШ ТИЗИМИ ВА АНЪАНАВИИ АГРОТЕХНИКА	560
148.	Файзуллоева Нодирахон Абдураъмоновна	БАЪЗЕ АЗ ХУСУСИЯТҲОИ ВАҚТИ КОРҲИ НИСБАТИ ЗАНОН ТИБҚИ ҚОНУНГУЗОРИИ ҚУМҲУРИИ ТОҶИКИСТОН	562
149.	Фозилова Тӯҳфа, Давлатов Шукурбой Нодиршоевич	ПРОБЛЕМАИ ФЕРМА	565
150.	Ҳайтов Ҳамза Ахмадович	ЁШЛАР ТАЪЛИМ-ТАРБИЯСИДА ЎТМИШ ИҶОДКОРЛАР АСАРЛАРИ ВА ЛАТИФА УНСУРЛАРИНИНГ ЎРНИ	567
151.	Ҳамидов А.А., Махмудова Н.С., Икромов Н.А.	УЧЕБНОЕ КНИГООБЕСПЕЧЕНИЕ СИСТЕМЫ ШКОЛЬНОГО ОБРАЗОВАНИЯ В ГОДЫ НЕЗАВИСИМОСТИ ТАДЖИКИСТАНА	570
152.	Холманова Ф.	ҚИШЛОҚ ХҶАЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ҚЎШМА КОРҲОНАЛАРИНИНГ ЎРНИ	573
153.	Холмӯминов Х., Эшмӯминов О.З.	ЎЗБЕКИСТОН ЖАНУБИИ ВОҲАЛАРИДАГИ ДЕМОГРАФИК ЖАРАЁНЛАР (XIX АСР ОХИРИ XX АСР БОШЛАРИДА)	574
154.	Ҳамраева Танзиля Равильевна	РОЛЬ И МЕСТО ВЕЛИКОГО ШЕЛКОВОГО ПУТИ ВО ВЗАИМООБОГАЩЕНИИ И РАЗВИТИИ ЦИВИЛИЗАЦИЙ	578
155.	Ҳисомова Умеда Умаровна	АЗ ТАЪРИХИ ТАЪСИС ВА ФАЪОЛИЯТИ ОМУЗИШГОҲИ КАСБҲИ-ТЕХНИКИИ №50 ШАҲРИ КОНИБОДОМ	583
156.	Xodjayeva Fotima Nabixonovna	АНМАД G'AZZOLIY DAVRIDAGI TASAVVUFNING BA'ZI XUSUSIYATLARI	585
157.	Xoliqova Rahbar Ergashevna	IJTIMOIIY –GUMANITAR FANLARNI O‘QITISHDA PEDTEKNOLOGIYALARNING O‘RNI ("O‘ZBEKISTONNING ENG YANGI TARIXI" FANINI O‘QITISHDA INTERFAOL USULLAR)	588

